

Инсоний фитрат



17:00 / 03.04.2022 2813

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ ўзининг «Ал-бидая ван ниҳая» номли китобида келтиради:

«Жуъайф Самарқандий Аббосий халифалардан бўлган Мўътазиднинг дўсти эди. Бир куни у халифа билан овга чиқди. Улар қўшиндан анча узоқлашиб кетишди. Иккови ёлғиз эди. Уларнинг олдидан шер чиқиб қолди. Шунда халифа Жуъайфга деди:

- Эй Жуъайф! Бугун сенда яхшилик борми?

Яъни, халифа бу гапи билан «бугун мени қутқара оласанми шердан?», демоқчи бўлди.

Жуъайф деди:

- Аллоҳга қасамки, йўқ эй мўъминлар амири!

Халифа деди:

- Ҳеч бўлмаганда тушиб олишим учун отимни ушлаб турарсан?!

- Майли!

Халифа отидан тушди ва қиличини яланғочлади. Шер унга ҳужум қилди. Халифа қиличи билан шернинг қўлига урди, шернинг қўли кесилиб кетди. Шер қўли билан овора бўлиб қолди. Шунда халифа унинг бошига уриб ўлдирди.

Жуъайф айтади:

«Мен халифа билан умрининг охиригача бирга бўлдим. У шерни ўлдирганини бирор кишига айтмади, мақтанмади. Мен нимадан ажабланишни ҳам билмайман. Халифанинг шижоатиданми ёки унинг ўз қаҳрамонлигини нишонламаганиданми?! Ҳатто мен унга ёрдам бермаганим учун ҳам у мени койи мади. Аллоҳга қасамки, у мени бирор марта юзимга солмади!».

Шуни билишимиз лозимки, инсонлар мусулмон бўладими, кофир бўладими, бой бўладими, фақир бўладими барибир инсонлик қафасидан чиқиб кета олишмайди. Ҳатто башариятнинг энг тозаси бўлган пайғамбарлар ҳам ҳаётларида, инсоний ҳис-туйғуларда бошқа инсонлар каби бўлишган.

Мусо алайҳиссалом сеҳргарлар арқон ва таёқларини ерга ташлаганда қўрқиб кетган эдилар. Чунки у киши Набий бўлиш билан бирга инсонлар. Аллоҳ билан гаплашиб қавмлари олдиға қайтиб келганларида уларнинг бузоққа ибодат қилаётганини кўриб ғазаблари қўзиб кетди. Таврот ёзилган лавҳларни ерга ташлаб юбориб биродарлари Ҳорун алайҳиссаломнинг соқолларидан тутдилар. Чунки у киши ҳам гўшт ва қондан иборат инсондирлар!

Ғарқ бўлаётган кофир ўғилларини кўриб Нуҳ алайҳиссаломнинг қалблари парчаланди. Чунки у киши Набий бўлиш билан бирга ота ҳам эдилар!

Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўғиллари Иброҳимни, амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳуни, завжалари Ҳадича онамиз розияллоҳу анҳони йўқотганларида йиғладилар. Чунки у кишиға ҳам суюкли кишиларини йўқотиш оғриқ берар эди!

Кишиларга мана шу ўлчов асосида муомала қилишимиз керак. Улар аввало инсон!

Аёл кишида Қоруннинг мулки бўлсада, у суюкли ёри ҳадя қилган оддий гулдан хурсанд бўлади. Уни сотиб олишга кучи етмаганидан эмас, балки бир нарсага молик бўлиш ундаги шодлик ва қувончга ҳам эга бўлиш дегани эмаслигидан.

Аёл киши қанчалар катта мансабга ўтирмасин эркакнинг ғамхўрлигидан, соғинчла унинг қўлини ушлашидан, ширин сўзидан беҳожат эмас. Чунки аёл ҳам, эркак ҳам мансабдор бўлишидан олдин инсондир!

Инсон бутун бир халқ устида ҳукмрон бўлсада, фарзандга эҳтиёжи бор. Зеро, бу инсоний фитрат ва эҳтиёждир.

Инсонлардан фаришта бўлишни талаб қилмаслигимиз лозим. Чунки биз модомики инсон эканмиз, қўрқамиз, ғазаб қиламиз, синиб қоламиз, муҳаббатни йўқотиб қўямиз, рози бўламиз, кечирамиз, куламиз, йиғлаймиз. Шундай экан, инсонлигимизча яшашимиз керак. Шунини унутмайликки, биз муомала қилаётган атрофимиздаги инсонлар ҳам инсон!

Абдулқодир Полвонов